

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АЛИМОВ УМАРБЕК КАДЫРБЕРГЕНОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ АСОСИДА ЮҚОРИ
КОНЦЕНТРАЦИЯЛИ ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШНИНГ
РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Алимов Умарбек Кадырбергенович

Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида юқори концентрацияли
фосфорли ўғитлар олишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб
чиқиш..... 3

Алимов Умарбек Кадырбергенович

Разработка ресурсосберегающей технологии
высококонцентрированных фосфорсодержащих удобрений на основе
фосфоритов Центральных Кызылкумов..... 29

Alimov Umarbek Kadyrbergenovich

Development of resource saving technology of high-concentrated
phosphate fertilizers based on phosphorites from Central Kyzylkum..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АЛИМОВ УМАРБЕК КАДЫРБЕРГЕНОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ АСОСИДА ЮҚОРИ
КОНЦЕНТРАЦИЯЛИ ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШНИНГ
РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/T81 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, профессор,
академик

Расмий оponentлар:

Усманов Султан Усманович
техника фанлари доктори, профессор

Эркаев Ақтам Улашевич
техника фанлари доктори, профессор

Нурмуродов Тулқин Исамуродович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «27» июль 2019 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail:

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2019 йил «13» июль куни тарқатилди.
(2019 йил «13» июлдаги 8- рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С. Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д.

С.А. Абдурахимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг йилдан йилга юқори суратларда ўсиши ва экинга яроқли ерлар, чучук сув захиралари, энергия манбалари каби ресурсларнинг кескин қисқариши шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари муаммоси ортиб бормоқда. Айни пайтда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилувчи қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори, сифатли, ҳамда арзон ҳосил олиш учун агрокимёвий қўллаш даврига қараб турлича бўлган минерал ўғитлардан оқилона фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бу ўринда таркиби ўсимлик вегетацион ўсиш даврига монанд ва концентрацияси юқори бўлган, айниқса фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида дунё захирасининг учдан икки қисмини ташкил этувчи бойитилмаган карбонатли фосфорит рудаларини (15-20% P_2O_5) кимёвий фаоллаштириш ёки парчалаш эътиборга моликдир. Бунинг учун қуйидаги илмий-техник ечимларини асослаш зарур, жумладан: паст навли Марказий Қизилқум (МҚ) фосфоритларини қисман аммиак билан нейтралланган экстракцион фосфор кислотаси (ЭФК) билан таъсирлаштириб аммофосфат олиш; буғлатиш усули билан ЭФКни концентрлашнинг мақбул режимини ўрнатиш; циклик усулда паст навли фосфоритларни буғлатилган ЭФК билан парчалаб қўш суперфосфат ва концентрланган азотфосфорли ўғитлар олишнинг мақбул шароитларини топиш; концентрланган фосфор кислотасини буғлатиш жараёнисиз олишни илмий асослаш ва ресуртежамкор технологиясини ишлаб чиқиш.

Республикамизда МҚ фосфоритларини қайта ишлаш асосида бирламчи фосфорли (оддий ва бойитилган суперфосфатлар) ва мураккаб ўғитлар (аммофос, PS-Agro, аммоний сульфатфосфат, супрефос-NS, нитрокальцийфосфат, фосфатлатирилган селитра, фосфоролтингугуртли селитра, NPK-ўғитлар) ишлаб чиқариш соҳасида илмий ва амалий натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан кузги шудгор ҳамда ўсимликларни экиш ва озиқлантиришда солиш учун зарур бўладиган концентрланган фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236 сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини кескин ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта йўналишдаги Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Фосфат хом ашёсини бирламчи ва мураккаб ўғитларга қайта ишлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан Florida Industrial and Phosphate Research Institute (АҚШ), BRGM – Water, Environment and Ecotechnology Direction, Research and Development Department of the Industrial Pole of of OCP Group (Франция), Vale Fertilizantes, Uberaba/Patrocínio (Бразилия), Shunkar Resources Plc (Англия), Institute of Inorganic Chemistry and Technology (Польша), Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети (РКТУ, Россия), М.Ауезов номидаги Жанубий-Қозоғистон Давлат университети (ЖҚДУ, Қозоғистон) ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Фосфат хом ашёсини фосфор кислотали қайта ишлаш усуларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қўйидаги илмий натижалар олинган: Dorr Oliver усулида Флорида фосфоритидан учламчи суперфосфат олинган (Florida Industrial and Phosphate Research Institute, АҚШ); зарралар ўлчами 160 мкм гача майдаланган Марокаш фосфорити концентратидан оддий ва учламчи суперфосфат олиш технологиялари яратилган (Research and Development Department of the Industrial Pole of of OCP Group, Франция); апатит концентратидан қўш суперфосфат технологиялари ишлаб чиқилган (Vale Fertilizantes, Uberaba/Patrocínio, Бразилия); темир тутган Чилисой желвакли паст навли фосфоритлари асосида 52:11 ва 48:16 маркадаги МАФ ва ДАФ олиш технологияси ишлаб чиқилган (Shunkar Resources Plc Англия); тоза фосфатли тузлар олиш учун экстракцион фосфор кислотасини қўшимчалардан тозалаш усули яратилган (Institute of Inorganic Chemistry and Technology, Польша); паст навли Полпин фосфоритини фосфор- ва фосфор-хлорид кислотали (РХТУ, Россия) ҳамда Қоратоғ фосфоритини термик

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.fipr.state.fl.us/>, <https://www.dobersek.com/en/>, <https://www.gfar.net/organizations/fertilizers-research-institute-pulawy>, http://park.itc.u-tokyo.ac.jp/syokuei/index_e.html, http://park.itc.u-tokyo.ac.jp/syokuei/index_e.html, <http://en.ustc.edu.cn/>, <https://www.kdais.gov.tw/eng/view.php?catid=5565>, <http://www.niuiif.ru/>

фосфор кислотаси билан парчалаш асосида қўш суперфосфат олишнинг циклик усуллари ишлаб чиқилган (ЖҚДУ, Қозоғистон).

Дунёда фосфорит ва апатит маъданларини турли усулларда рационал қайта ишлаш бўйича қатор, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: карбонатли, аммо реакция қобилияти юқори фосфоритларни кислотали фаоллаштириш; нейтраллаш босқичини четлаб ўтган ҳолда қўп ретурли усул билан бирламчи фосфорли ўғитлар технологиясини янада такомиллаштириш; янги усул - суюқ фазали режимда, ягона циклда паст навли фосфоритларни термик фосфор ва унинг хлорид ёки нитрат кислотали парчалаш ёрдамида стандарт ўғитлар олиш жараёнини технологик асосларини яратиш; мураккаб фосфорли ўғитларни донаторлашнинг буғ-оқимли технологиясини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий-техник адабиётларда ҳар хил кон – Хибин, Қоратоғ и Чилисой фосфатларини ҳам ЭФК нинг ўзи, ҳам унинг аммонийлашган эритмаси билан ўзаро таъсирлаштириш йўли билан аммофосфат олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг материаллар мавжуд (Сёмкин В.И., Дмитриевский Б.А., Ярош Б.Е. Ирецкая С.Н., Суетинов А.А., Стародубцев В.С.). МҚ паст навли фосфоритларини аммофосфатли ўғитларга қайта ишлаш бўйича Сагтаров Т.А. шуғулланган. Аммо карбонатли фосфоритларни парчалаш учун ЭФК ни қўллаш ортиқча кўпикланишга олиб келиб, бу нормал технологик жараёни олиб боришга тўсқинлик қилади.

Адабий манбаларда ҳар хил турдаги МҚ фосфоритларини буғлатилмаган ва буғлатилган ЭФК ни қўллаш билан парчалаш асосида қўш суперфосфат олиш бўйича маълумотлар келтирилган (Намазов Ш.С., Абдуллаев Б.Д., Беглов Б.М., Жураев М.Т., Мирзакулов Х.Ч., Шамаев Б.Э., Волынскова Н.В.). Уларда фақатгина анъанавий турдаги ва оқимли усуллари қўллаш орқали қўш суперфосфат олиш мумкинлиги кўрсатилган. Гарчанд, сифатли Хибин ва Ковдор апатит концентрати ҳамда паст навли Қоратоғ ва Чилисой фосфат хом ашёсини қўллаш билан ягона технологик циклда қўш суперфосфат олишнинг циклик усули ишлаб чиқилган бўлсада, (Позин М.Е., Зинюк Р.Ю., Кузнецов А.А., Завертеева Т.И., Смирнов А.А., Шапкин М.А., Гуллер Б.Д., Мырзахметова Б.Б., Ахметова С.О), аммо МҚ фосфоритлари каби юқори карбонатли хом ашёлар тадқиқ этилмаган.

Шундай қилиб, санаб ўтилган ишларда МҚ фосфоритларини ушбу фосфат хом ашёдан олинган қисман аммонийлашган ЭФК билан ўзаро таъсирлаштириш йўли билан аммофосфатли ўғитлар олиш масаласи кўрилмаган. Юқори кальций модулига эга МҚ карбонатли фосфоритлар асосида қўш суперфосфат олишнинг циклик усули эса мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-6-120 «Маҳаллий Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида концентранган мураккаб азотфосфорли ва бирламчи фосфорли ўғитлар олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб

чиқиш» (2006-2008 йй.), ФА-6-ТО50 «Паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини амалдаги технологияга жалб қилиш орқали фосфор тутувчи ўғитлар олишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқариш» (2009-2011 йй.), ФА-А12-137 «Марказий Қизилқум фосфоритларининг чиқиндисини фосфорли ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари ва «Аммофос-Максам» АЖ билан тузилган ИД-8-8/1 «Маҳаллий хом ашё асосида фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини «Аммофос» ОАЖ да қўллаш» хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Қизилқум паст навли фосфоритларини фосфоркислотали қайта ишлаш йўли билан концентрланган фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар олишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳар хил турдаги бойитилмаган ва бойитилган Қизилқум фосфоритларининг қисман аммонийлашган ЭФК билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ўрганиш орқали аммофосфат олиш;

МҚ паст навли фосфоритларидан олинган аммофосфатли ўғитларнинг сувда эримайдиган қисмини тадқиқ этиш ҳамда тайёр маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва товар хоссаларини тадқиқ этиш;

ЭФК ни буғлатиш усули билан концентрлаш, кейинчалик буғлатилган ЭФК меъери ва концентрацияси, ҳарорат ва вақтга боғлиқ равишда МҚ фосфоритларинининг парчаланиш кинетикасини ўрганиш;

МҚ фосфоритларини циклик ишлов беришда ЭФК нинг мақбул топилган меъери ва концентрациясида олинган монокальцийфосфат кристалланишига ҳарорат ҳамда вақтнинг таъсирини тадқиқ қилиш;

циклик усулда олинган оралик ва маҳсулот бўтқаларнинг реологик хоссалари ўрганиш. Фосфоритнинг янги порциясини парчалош цикли жараёнига қайтариш мақсадида концентрланган ЭФК ни тўйинган эритмадан қайта тиклаш жараёнини тадқиқ этиш;

МҚ фосфоритларини буғлатилган ЭФК билан циклик усулда парчалош йўли билан кўш суперфосфат ва концентрланган азотфосфорли ўғитларни олишнинг мақбул шароитларини топиш;

лаборатория модел ва йириклашган қурилмаларда таклиф этилаётган фосфорли ўғитларнинг технологик параметрларини синовдан ўтказиш, шунингдек маҳсулотларнинг агрокимёвий самарадорлигини баҳолаш;

концентрланган бирламчи ва мураккаб фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг технологик тизимини, материал балансини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти МҚ паст навли фосфоритлари, ЭФК, сульфат кислотаси, тўлиқ парчаланмаган фосфорит (кек), монокальцийфосфат, аммиак, тўйинган эритма, фосфогипс, аммофосфат, кўш суперфосфат ва концентрланган азотфосфорли ўғитлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети. МҚ фосфоритларини қисман аммонийлашган ва концентранган ЭФК билан қайта ишлаш асосида аммофосфат, қўш суперфосфат ва азотфосфорли ўғитлар олиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг кимёвий ва физик-кимёвий усуллари: рентгенфазовий, ИҚ-спектроскопик, электрон-микроскопик ва индукцион боғланган плазмали оптик-эмиссион спектроскопия (ИБП билан ОЭС) қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таркибида максимал миқдорда ўзлашувчан ва сувда эрувчан шаклдаги P_2O_5 тутган, яхши физик-кимёвий ва товар хоссаларга эга аммофосфатли ўғит олишнинг мақбул бўлган ЭФК : ФХ оғирлик нисбати ва кислота рН муҳити аниқланган;

кинетик қонуниятларни аниқлаш орқали ҳар хил турдаги МҚ фосфоритларини юқори меъёрлардаги буғлатилган ЭФК билан парчалашнинг асосий кўрсаткичлари исботланган;

электрон микроскоп ҳамда ИБП билан ОЭС қўллаш йўли билан асосан кальций дигидрофосфатдан ташкил топган монокальцийфосфатнинг мақбул кристалланиш вақти ва туз таркиби аниқланган;

концентранган фосфор кислота билан фосфат хом ашёни парчалаш маҳсулотларидан монокальцийфосфатни кристаллаш ва ягона циклда ЭФК ни қайтариш ҳамда юқори сифатли қўш суперфосфат олиш мумкинлиги асосланган;

циклик усулда олинган нордон монокальцийфосфатни аммонийлаштириш асосида юқори концентрацияга эга азотфосфорли ўғит олиш мумкинлиги аниқланган;

паст навли фосфоритларни жалб қилиш йўли билан янги турдаги бирламчи ва мураккаб ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Аммофос ишлаб чиқариш қурилмаларида аммонийлашган ЭФКнинг кучсиз эритмаси ва паст навли фосфоритларни парчалаш йўли орқали аммофосфатли бўтқани буғлатиш босқичсиз аммофосфатли ўғит олиш технологияси ишлаб чиқилган;

МҚ фосфоритларини концентранган ЭФК нинг юқори меъёри билан МҚ фосфоритларини парчалаш, кейинчалик кальцийфосфатли суспензияни суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш, нордон монокальцийфосфатни турли хил реагентлар (бўр, сўндирилмаган оҳак, фосфорит ва аммиак) билан нейтраллаш йўли билан қўш суперфосфат ва концентранган азотфосфорли ўғит олишнинг циклик усули ишлаб чиқилган;

таркиб ва хоссалари жиҳатидан ГОСТ талабларига жавоб берадиган аммофосфат, қўш суперфосфат, концентранган азотфосфорли ўғит олишнинг мақбул параметрлари ва технологик тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (рентгенфазали, ИҚ-спектроскопик, ИБП билан ОЭС) таҳлил натижалари «Электрокимёзавад» ҚК-АЖ нинг синов далолатномалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти МК фосфоритларини қисман аммонийлаштирилган ЭФК ва юқори меъёрдаги фосфор кислотаси билан фаоллаштириш ва парчалашнинг илмий асосларини ўғитларнинг сувда эримайдиган қисмидаги ўзлашувчан фосфорни ҳамда кинетик константаларни аниқлаш орқали яратиш, оралиқ ва маҳсулот бўтқаларнинг реологик хоссаларини ўрганиш, фосфоритларни циклик қайта ишлаш шароитида ҳарорат чегараларини ўрнатиш, шунингдек концентрланган ЭФКни буғлатмасдан қайтариб олишнинг мақбул шароитларини топиш, концентрланган бирламчи ва мураккаб фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришга паст навли МК фосфоритларини жалб қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти паст навли Қизилқум фосфоритларини бойитиш босқичсиз янги турдаги юқори концентрацияли фосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш, ундан ташқари ЭФК ёки бўтқани энергия талаб этувчи буғлатиш жараёнини истисно қилиш билан белгиланади. Ишлаб чиқилган технология тайёр маҳсулотда бир тонна P_2O_5 олиш учун аммиак, сульфат кислотаси ва иссиқлик энергияси сарфлари ҳаражатларини камайтириш имконини беради. Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш қишлоқ хўжалиги кузги шудгорга солиш учун бирламчи фосфорли ҳамда экиш ва озиқлантиришда азотфосфорли каби ўғитлар билан таъминланади, бу эса юқори агрокимёвий самарадорликка эришишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МК паст навли фосфоритлари асосида концентрланган бирламчи фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аммофосфат ишлаб чиқариш технологияси «Электрокимёзавод» ҚК-АЖ да амалиётга жорий этилган («Узкимёсаноат» АЖ нинг 2019 йил 13 июндаги 01/3-3453-сонли маълумотномаси). Натижада карбонатли фосфоритларни қисман аммонийлашган ЭФК билан фаоллаштириш йўли билан ишлаб чиқаришга жалб қилиш имкони яратилган;

циклик усулда паст навли фосфоритларни фосфоркислотали қайта ишлаш асосида «Б» маркали кўш суперфосфат олиш технологияси «Электрокимёзавод» ҚК-АЖ да амалиётга жорий этилган («Узкимёсаноат» АЖ нинг 2019 йил 13 июндаги 01/3-3453-сонли маълумотномаси). Натижада кузги шудгорда қўллашда самарали бўлган концентрланган бирламчи фосфорли ўғитлар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

циклик усулда олинган нордон монокальцийфосфатни аммонийлаштириш йўли билан юқори концентрланган азотфосфорли ўғит олиш технологияси «Электрокимёзавод» ҚК-АЖ да амалиётга жорий этилган («Узкимёсаноат» АЖ нинг 2019 йил 13 июндаги 01/3-3453-сонли маълумотномаси). Натижада экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг альтернатив вариантини ишлаб чиқишга имкон берган;

Қизилқум фосфорит мажмуасининг ММ самарали фойдаланиш орқали қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича Х-Республика

инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида Навоий кон - металлургия комбинати Давлат корхонаси билан хўжалик шартномаси тузилган (2017 йил 11 майда №661 рақам билан рўйхатга олинган). Натижада Қизилқум фосфорит мажмуасининг йирик тоннажли чиқиндисидан минераллашган массани фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришига тўғридан-тўғри жалб қилиш имконияти яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 17 та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 5 таси республика ва 12 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда «**Фосфоритларни бирламчи ва мураккаб фосфорли ўғитларга қайта ишлашнинг замонавий ҳолати ва муаммоларини ечиш йўллари**» МҚ фосфат хом ашёси тавсифи ва уни Қизилқум фосфорит комплексида амалдаги термик бойитиш усулининг, шунингдек термик усулга муқобил бўлган усулларни қўллашга бўлган уринишлар тавсифланган. Хорижий ва республика олимларининг сифатли ҳамда пастнавли фосфат хом ашёсини бирламчи ва мураккаб ўғитларга қайта ишлаш соҳасидаги тадқиқот ишлари шарҳлаб ўтилган. Циклик усулда қўш суперфосфат олиш масалалари муҳокама қилинган. Чоп этилган ишларнинг танқидий таҳлили мазкур ишнинг мақсад ва вазифаларини шакллантиришга хизмат қилди.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Қизилқум фосфоритларини қисман аммонийлашган экстракцион фосфор кислотаси билан фаоллаштириш асосида аммофосфат ўғитлар**» ҳар хил турдаги МҚ фосфоритлари таркиби келтирилган (1-жадвал), дастлабки хом ашё ҳамда тайёр маҳсулотларнинг кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил ўтказиш услублари келтирилган. Ушбу бобда оддий фосфорит уни (ОФУ), бойитилган фосфат хом ашёси (ФХ): ювиб қуритилган концентрат (ЮКК), ювиб куйдирилган концентрат (ЮКК) ва кимёвий бойитилган концентрат (КБК) ва

чикиндилар: чангли фракция (ЧФ) ва минераллашган масса (ММ) ларни қисман аммонийлаштирилган (рН = 1,2; 1,5; 1,7; 1,8; 2,0; 2,2 ва 2,5) ЭФК билан ўзаро таъсирлаштириш йўли орқали аммофосфат ўғитини олиш жараёни ўрганилган.

Фаолланиш жараёни ЭФК : ФХ = 100 : (15-50) оғирлик нисбатлари оралиқларида 65°Сда 30 мин давомида олиб борилди. Кейин аммофосфат бўтқалари 105°С да доимий оғирликгача қуритилди. Нам фосфат массани донадорлаш қуритиш жараёнида юмалаш усули ёрдамида бажарилди. ОФУ мисолида олинган маҳсулотлар таркиби 2 жадвалда келтирилган.

1- жадвал

Марказий Қизилқум фосфоритларининг кимёвий таркиби

Фосфат хом ашёси турлари	Компонентлар миқдори, оғир. %								$\frac{P_2O_{5\text{ўзл.}}}{P_2O_{5\text{умум.}}} \times 100, \%$	СаО : Р ₂ О ₅
	P ₂ O ₅	СаО	MgO	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	F	СО ₂	э.қ.		
ОФУ	17,20	46,22	1,75	1,05	1,24	2,00	16,00	7,69	18,50	2,69
ЮКК	27,26	53,36	0,61	0,51	1,30	2,91	2,41	5,95	12,24	1,96
КБК	26,55	41,62	1,36	0,93	1,86	2,37	2,89	9,45	44,71	1,57
ЮҚК	18,22	47,28	0,99	0,60	1,18	2,29	14,90	6,81	17,80	2,60
ЧФ	18,54	44,72	0,80	0,80	0,95	2,22	14,80	8,54	20,71	2,41
ММ	14,68	40,80	0,53	1,37	1,17	1,85	12,80	11,89	16,41	2,78

2- жадвал

Фосфорит уни ва қисман аммонийлаштирилган фосфор кислотаси асосида олинган аммофосфат ўғитининг кимёвий таркиби

ЭФК : ФХ оғирлик нисбати	Маҳсулот рН	Қуритилган маҳсулотларнинг кимёвий таркиби, оғир. %						
		P ₂ O ₅ умум.	P ₂ O ₅ ўзл.	P ₂ O ₅ сув.эр.	СаОумум.	СаОўзл.	СаОсув.эр.	N
Қисман аммонийлаштирилган ЭФКрН = 1,2 ЭФК (P ₂ O ₅ – 17,35 %, N – 1,86 %)								
100 : 15	2,80	41,36	40,78	31,76	14,50	11,60	6,88	3,69
100 : 20	2,91	39,85	38,36	29,09	17,95	14,07	7,66	3,41
100 : 30	3,50	36,40	33,21	23,68	22,61	16,80	7,22	2,94
100 : 40	4,01	34,36	29,82	18,07	26,60	18,11	4,48	2,52
100 : 50	4,46	33,05	26,44	11,53	29,43	18,26	3,44	2,27
Қисман аммонийлаштирилган рН = 1,5 ЭФК (P ₂ O ₅ – 16,74 %, N – 2,13 %)								
100 : 15	3,16	41,01	40,13	31,27	31,27	14,41	11,37	4,55
100 : 20	3,25	39,01	37,06	27,85	27,85	17,70	13,55	4,10
100 : 30	3,75	35,63	32,25	22,77	22,77	22,41	16,22	3,47
100 : 40	4,40	34,03	28,91	17,56	17,56	26,39	17,40	3,07
100 : 50	4,75	32,50	25,38	10,77	10,77	29,25	17,51	2,70
Қисман аммонийлаштирилган рН = 2,5 ЭФК (P ₂ O ₅ – 15,60 %, N – 2,77 %)								
100 : 15	3,91	35,10	32,23	23,68	13,79	8,94	4,56	5,60
100 : 20	4,40	34,50	30,19	21,87	17,10	10,51	4,75	5,44
100 : 30	4,84	33,60	27,33	18,40	21,64	11,87	4,33	4,53
100 : 40	5,30	32,07	23,69	13,15	25,68	12,20	2,44	4,19
100 : 50	5,70	30,70	19,96	7,61	28,5	12,52	2,45	3,54

Барча турдаги фосфат хом ашёлари учун қуйидаги қонуният кузатилади: кислота рН ва фосфат хом ашёси миқдори аммонийлаштирилган ЭФКга нисбатан қанчалик кичик бўлса, хом ашё декарбонизацияси шунчалик катта

бўлади, шунчалик равишда маҳсулот концентранган умумий, ўзлашувчан ва сувда эрувчан фосфор шаклига эга бўлади.

Шундай қилиб, ЭФК $pH = 1,2$ ва ЭФК : ФХ = 100 : 50 нисбатда ОФУнинг декарбонизация даражаси 82,8% га, $pH = 2,5$ да ва ушбу ЭФК : ФХ да эса у атиги 68,77% ни ташкил этади. ОФУ масса улушининг ЭФК : ФХ = 100 : 20 гача камайишида бу кўрсаткич $pH = 1,2$ да 95,11% га, $pH = 2,5$ да эса 83,03% га тенгдир. Ўхшаш кўриниш бошқа турдаги фосфат хом ашёларида ҳам кузатилади. Шунингдек, бу ерда ҳам хом ашёнинг юқори декарбонизация даражасига эришилиб, биринчи набатда карбонатлар парчаланишини билдиради.

Худди шунга ўхшаш қонуният ўғитдаги ўзлашувчан P_2O_5 шакли учун ҳам аниқланган. ОФУ учун кислота $pH = 1,2$ ва ЭФК : ФХ = 100 : 15 да маҳсулот $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 98,6% бўлади, ЭФК : ФХ = 100 : 50 да эса 80,01%. ЭФК $pH = 1,2$ га тенг бўлган кўрсаткичда ФХ ни 100г ЭФК га нисбатан 15 дан 50г гача ортиши ўғит таркибидаги P_2O_5 нинг мос равишда нисбий сувда эрувчан ва ўзлашувчан шакллари 76,79 дан 34,89% гача ва 98,60 дан 80,01% гача камайишига олиб келди. Умумий фаолланиш жараёни ЮКК, ЮКК, КБК, ЧФ ва ММлар учун ҳам ўхшаш бўлиши кузатилди. Фақатгина маҳсулот таркибидаги компонентлар абсолют миқдорлари ўзаро фарқ қилди.

Қишлоқ хўжалигида фосфортутувчи ўғитлар таркибида, $P_2O_{5\text{суб.эр.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ 50 ва ундан ортиқ фоизга эга бўлган ўғитлар энг юқори баҳоланади. Бундай турдаги ўғит олиш учун мақбул шароит сифатида биз: ОФУ учун кислота $pH = 1,2-2,0$ ва ЭФК : ФХ = 100 : (15-35) ни ҳисоблаймиз. Бунда ўғит таркиби қуйидаги ораликларда ўзгаради (оғир. %): $P_2O_{5\text{умум.}}$ – 33,58-41,36; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ – 28,44-40,78; $P_2O_{5\text{суб.эр.}}$ – 18,31-31,76; $CaO_{\text{умум.}}$ – 14,11-24,78; $CaO_{\text{ўзл.}}$ – 10,32-17,35; $CaO_{\text{суб.эр.}}$ – 5,18-7,69; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 84,69-98,60; $P_2O_{5\text{суб.эр.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 54,53-76,79; N – 2,73-5,16. Рудани саралашдаги чиқинди – ММ учун мақбули $pH = 1,2-1,5$ ва ЭФК : ФХ = 100 : (15-30) бўлиб, таркиби (оғир. %): $P_2O_{5\text{умум.}}$ – 34,43-40,06; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ – 28,11-36,34; $P_2O_{5\text{суб.эр.}}$ – 18,50-27,98; $CaO_{\text{умум.}}$ – 12,76-19,96; $CaO_{\text{ўзл.}}$ – 9,74-14,22; $CaO_{\text{суб.эр.}}$ – 3,78-5,51; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 81,64-90,71; $P_2O_{5\text{суб.эр.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 53,73-69,84; N – 2,97-4,48 бўлган ўғитлар олинади. Ушбу pH кўрсаткичида ЮКК ва ЧФ учун мақбул ЭФК : ФС оғирлик нисбати 100 : (15-30) бўлиб, $P_2O_{5\text{водн.}}$: $P_2O_{5\text{общ.}}$ 50% дан юқори бўлган ўғит олишга эришилади.


Фосфорит концентратларни қўллаш, шунингдек нисбатан концентранган аммофосфат ўғитларини олишга имкон беради. Шундай қилиб, ЮКК учун мақбул шароит pH ЭФК = 1,5 ва ЭФК : ФХ = 100 : 40 саналади. Бунда $P_2O_{5\text{умум.}}$ 35,73%, $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 79,35%, $P_2O_{5\text{суб.эр.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 53,74%, N 3,14% таркибли ўғит олинди. КБК учун эса мақбули pH ЭФК = 1,2 ва ЭФК : ФХ = 100 : 30 бўлди. Ўғит ўз таркибида $P_2O_{5\text{умум.}}$ 39,83%, $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 87,55%, $P_2O_{5\text{суб.эр.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 60,36% ва N 5,84% бўлади.

Аммофосфат ўғитларининг рентгенфаза ва ИҚ-спектроскопия тадқиқоти натижалари ўғит таркиби асосан моноаммонийфосфат, моно ва дикальцийфосфат, фаоллаштирилган фторкарбонатапатитлардан ташкил топганини кўрсатди. Шунинг учун уларни «қисман парчаланган фосфатлар»

деб номлаш қабул қилинган. Ўғитлар сувда эримайдиган қисмини ўрганишда, биринчи навбатда ҳар қандай фосфорли ўғитнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланадиган P_2O_5 нинг ўзлашувчан шаклига эътибор қаратилади. рН ва ЭФК : ФХ нисбатига боғлиқ равишда ўғитнинг сувда эримайдиган қисмида P_2O_5 ўзл. : P_2O_5 умум. ОФУ, ЮҚК, ЧФ ва ММ лар учун 52,83-59,23; 44,29-55,17; 49,79-56,79 ва 44,30-56,15% га тенг бўлиб, айти пайтда бу кўрсаткич дастлабки хом ашёларда мос равишда 18,5; 17,80; 20,71; 16,41% га тенг. Бу эса хом ашёни аммонийлаштирилган ЭФК билан ишлов беришда фосфат минералининг фаоллашишидан дарак беради, яъни минерал тўлиқ парчаланмасада, бироқ ундаги фосфор ўсимлик учун ўзлашадиган шаклга ўтган бўлади.

Ишлаб чиқилган ўғитларнинг мустаҳкамликлари 3 МПа дан кам эмас, гигроскопик нуқталари 72-78% бўлиб, 20% гача бўлган намликда ўзларининг дастлабки кўринишларини сақлайдилар. Кучсиз гигроскопик нуқтага ва шундай нам сақлаш хусусиятига эга бўлган маҳсулотлар қадоксиз ташиш ва сақлашда тўла яроқлидирлар.

Аммофосфат ўғитларини материал баланси ҳисоблаб чиқилди ва ишлаб чиқариш технологик схемаси тавсия этилди (1- расм).



1-расм. Аммофосфат ўғити олишнинг принципиал технологик схемаси:


1-ЭФК учун сиғим идиш; 2-марказдан қочма насос; 3-ТАБ; 4-оралиқ тақсимлагич; 5-реактор; 6-бункер; 7-таъминлагич; 8-бўтқа учун йиғгич идиш; 9-ботма насос; 10-ДҚБ аппарати; 11-ўчок; 12-тасмали конвейер; 13-ғалвир; 14-майдалагич; 15-тасмали транспортер; 16-циклон; 17-абсорбер; 18-айланма эритма учун сиғимли идиш; 19-вентилятор.

Технология куйидаги босқичлардан иборат: 1) карбонатли хом ашёни кўпикланишини бартараф этадиган ЭФК қисман аммонийлаштириш жараёни; 2) фосфоритларни аммонийлашган ЭФК билан ўзаро таъсирлашуви; 3) Куритиш, донадорлаш, майдалаш ва саралаш.

Учинчи боб «Циклик усулда юқори концентрланган фосфорли ўғитлар олиш учун Қизилқум фосфоритларини буғлатилган фосфор кислотаси билан парчалашнинг кинетик асослари» ОФУ ва ЮҚК ни


буғлатилган ЭФКнинг (35,69; 41,20; 44,98% P₂O₅) юқори меъёрларида 70-100°C да парчаланиш кинетикасини ўрганишга бағишланган.

МҚ фосфоритларини циклик усулда парчалаш, шунингдек фосфор кислотасини тиклаш ва циклга қайтаришдаги кимёвий жараён қуйидаги тенгламалар кўринишида келтирилган:



ЮКК ва ОФУни парчалаш пайтида реакция массада ҳарорат ўрача мос равишда 25-30 ва 15-20°C ташкил этиб, бу фторатапатит (-8417,35 кДж/моль), кальцит (-278,35 кДж/моль) ва ЮКК эркин СаО (-219,50 кДж/моль) ларнинг фосфоркислотали парчаланишидан ҳосил бўлган маҳсулотдан ажралиб чиққан иссиқликка боғлиқдир.

Фосфат хом ашёнинг парчаланиш коэффициенти (K_{пар.}) кинетик константасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. ОФУнинг парчаланиш жараёнини шартли равишда 2 та босқичга бўлиш мумкин: «тез» ва «секин» (2-расм).



2-расм. Оддий фосфорит унини 343 К (а) ва 373 К (б) ҳароратлардаги парчаланиш коэффициентининг вақт, фосфор кислота меъёри ва концентрациясига боғлиқлиги P₂O₅ (1-35,69%; 2-41,20%; 3-44,98%).

Биринчи босқич иккинчи босқичга қараганда максимал парчаланиш даражаси билан тавсифланиб амалда 15-30 мин атрофида тугайди. Фосфат

хом ашёсининг 5-60 мин оралиқларидаги парчаланиши кинетик соҳада ва 60-120 минутлардагиси эса диффузион соҳада кечади. Расмдан кўриниб турибдики, ҳарорат, меъёр ва парчаланиш вақти қанча катта бўлса, $K_{\text{пар}}$ шунчалик катта бўлади. Айни вақтда фосфор кислотаси концентрацияси ортиб бориши, аксинча $K_{\text{пар}}$ ни камайишига олиб келади.

ЮКК карбонатли ОФУдан фарқли фосфор кислотасида нисбатан секинроқ парчаланаяди. ЮКК нинг юқори $K_{\text{пар}}$ 96,67; 93,56 ва 91,65% кўрсаткичи 373Кда, 120 мин вақтда ва фосфор кислотанинг 1000 % ли меъёри ва мос равишда 35,69; 41,20 ва 44,98% P_2O_5 концентрацияларида эришилади. ОФУ учун $K_{\text{пар}}$ 99,95% юқори қиймати 35,69% фосфор кислотанинг мақбул 950 % ли меъёрида етишади. Шу пайтда 41,20 ва 44,98% P_2O_5 ЭФК учун $K_{\text{пар}}$ мос равишда 98,96 и 97,87% ни ташкил этади.

Тажиба маълумотларидаги $K_{\text{пар}}$ бўйича олинган қиймати фосфат хом ашёнинг парчаланиш константасини ҳисоблашга имкон берди. Реакция тартибини аниқлаш кинетик тенгламанинг биринчи тартибда ҳисобланди:

$$K = 2,303 / \tau \cdot \ln(1 / (1 - K_{\text{раз}})) \quad (1)$$

ЮКК ва ОФУ нинг парчаланиш константа тезлиги ЭФК нинг 35,69; 41,20 ва 44,98% P_2O_5 концентрациялари ва 200-300%; 300-400%; 300-500% ва 15-120 мин ва 70-100°C оралиқларида мос равишда 0,011527-0,061150; 0,011749-0,064206; 0,010098-0,065778 ва 0,018365-0,172324; 0,020783-0,206880; 0,109840-0,187332 τ^{-1} (c^{-1}) ни ташкил этади.


$\ln(1/1-K_{\text{раз}})$ нинг τ га тўғри чизиқли боғлиқлиги ОФУнинг (35,69% P_2O_5) парчаланиш реакцияси 1-чи тартиб бўйича кечишини намоён қилади (3-расм). Реакция тезлик константаси температура ошиши билан ортиб боради ва бу Аррениус қонунига бўйсунаяди:

$$K = K_0 e^{-E/RT} \quad (2)$$

Реакция тезлигини аниқлаш мазкур қонунга асосан K_0 доимийси ҳисобланди ва $\lg K$ $1/T$ ва ЭФК меъёрига боғлиқлик тенгламаси қўйилди.

3-расмда ОФУ учун 343-373 Кдаги $\lg K$ қийматлари тенгламалар бўйича ҳисобланган ва реакция тезлик константаси ҳароратга тўғри чизиқли боғлиқлиги ифодаланган. Буғлатилган ЭФК меъёри ва концентрациясига боғлиқ 343-373 К ҳароратларда ЮКК ва ОФУ учун кутилаётган фаолланиш энергияси E_f мос равишда 1,87 дан 3,27 ккал/мол гача ёки 7,82 дан 13,67 кЖ/мол гача ва 2,11 дан 4,10 ккал/мол гача ёки 8,85 дан 17,15 кЖ/мол гача, ўртача қиймати эса 9,25-12,93 ва 11,62-15,23 кЖ/мол ни ташкил қилади. Бу кўрсаткичларнинг барчаси МК фосфоритларининг етарлича реакционқобилияга эга эканлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Юқорида олинган мақбул шароитдаги фильтратнинг совушига ҳарорат ва вақтнинг таъсири ўрганилди. Бунда фильтрат 20, 30 ва 40°C 30, 60, 120 ва 240 мин вақтларда совутилди. Белгиланган вақтдан кейин ҳосил бўлган МКФ кристаллари тўйинган эритмадан центрифуга ёрдамида ажратилди. МКФ кристалланиш майдони асосан кинетик ва диффузион соҳа чегараларида ҳосил бўлиши топилди.



3-расм. ОФУнинг 35,69% P_2O_5 ЭФК билан 200% (а), 250% (б), 300% (в), стехиометрик меъёрларда парчаланиш жараёнининг $\ln(1/1-K_{\text{пар}})$ нинг τ га, шунингдек (г) $\lg K$ нинг $1/T$ га боғлиқлиги.

Фосфоркислотали экстрактадаги P_2O_5 нинг 44,60 дан 50,26% гача бўлган юқори қийматлари 40°C кристалланиш ҳароратида эришилади. Сўнгра нордон МКФ ундаги туз таркибини аниқлаш мақсадида ацетон билан тўла ювилди ва ИБП билан ОЭС га элементли таҳлил қилинди. Кристаллар асосан кальций дигидрофосфат (62,47-79,31%) дан ташкил топганлиги кўрсатилди. МКФ кристалларининг микроскопик тадқиқот таҳлиллари кристалланиш вақти 30 мин да кристал заррачаларининг узунлиги ва энининг ўлчамлари $1,14 \times 1,14$ мкм дан $2,86 \times 1,14$ мкм гача, 120 мин да $2,58 \times 1,43$ мкм дан $8,58 \times 7,15$ мкм гача бўлишини кўрсатди.

Шундай қилиб, ЭФК 35,69; 41,20; 44,98% P_2O_5 концентрациялари учун маҳсулотларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган МКФнинг кристалланишининг мақбул шароитлари бўлиб 200-300%; 300-500% и 300-600% меъёр, ҳарорат – $90-95^\circ\text{C}$ ва вақт 60 мин деб топилди.

Тўртинчи бобда «Марказий Қизилкум фосфоритларини буғлатилган фосфор кислотаси билан парчалаш асосида қўш суперфосфат олишининг циклик усули» ОФУ ва ЮКК ни буғлатилган ЭФКнинг юқори меъёрларида парчалаб қўш суперфосфат олиш жараёни ўрганилган.

Лаборатория тажрибалари термостатлашган шароитда электродвигателга уланган винтли аралаштиргич билан жиҳозланган трубкали шишали реакторда олиб борилди. Термостатдаги ҳарорат терморосталгич ёрдамида бошқарилиб турилди. Парчалаш жараёни 35,69% P_2O_5 ЭФК нинг 200-300%, 41,20% P_2O_5 ЭФК нинг 300-500%; 44,98% P_2O_5 нинг ЭФК 300-600 % меъёрлари учун 95°Сда 60 мин давомида ўтказилди.

Жараён тугагач тўлиқ парчаланмаган фосфат қолдиғи ва МКФнинг тўйинган эритмасидан ташкил топган кальцийфосфат бўтқаси қаттиқ ва суюқ фазаларга ажратилди. Кейин эса суюқ фазадан МКФ изогидрик шароитларда мақбул ҳарорат 40°Сда 2 соат давомида кристалланди. Ҳосил бўлган МКФ кристаллари тўйинган эритмадан центрифугалаш усулида ажратиб олинди.

Қаттиқ ва суюқ фазаларнинг кимёвий таҳлили ЭФК концентрацияси ва меъёри компонентларнинг фазалар бўйича (тўлиқ парчаланмаган фосфорит қолдиғи, МКФ ва тўйинган эритма) тақсимланиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. Кўрсатилдики, қанчалик фосфор кислота меъёри кам ва концентрацияси кўп бўлса, шунча кўпроқ компонентлар миқдори тўлиқ парчаланмаган қолдиқда бўлади. ЭФКнинг ҳар қандай меъёрларида P_2O_5 бўйича концентрацияси камайиши компонентларнинг МКФ ва тўйинган эритмага тақсимланишини таъминлайди.

Шундай қилиб, ЮКК ва ОФУни 41,20% ли фосфор кислотасининг мос равишдаги стехиометрия бўйича 300-400 ва 400-500%ларда парчалашда компонентларнинг қаттиқ ва суюқ фазалар бўйича тақсимланиши, қолдиққа 23,15 дан 37,34% гача; 65,37 дан 69,86% гача; 29,20 дан 39,55% гача; 35,63 дан 42,70% гача; 29,84 дан 38,66% гача ва 22,72 дан 24,13% гача; 62,55 дан 66,74% гача; 45,76 дан 49,17% гача; 25,56 дан 28,57% гача; 23,94 дан 26,22% гача P_2O_5 ; CaO; MgO; Fe_2O_3 ва Al_2O_3 ўтади.

Суюқ фазанинг кристалланишидан кейин МКФга 22,75 дан 25,74% гача P_2O_5 ; 18,53 дан 20,21% гача CaO; 15,04 дан 32,20% гача MgO; 18,39 дан 26,97% гача Fe_2O_3 ; 14,14 дан 22,16% гача Al_2O_3 ва 23,37 дан 24,48% гача P_2O_5 ; 16,97 дан 20,04% гача CaO; 18,08 дан 20,44% гача MgO; 21,80 дан 22,56% гача Fe_2O_3 ; 18,31 дан 19,23% гача Al_2O_3 ўтади, қолган миқдорлар эса тўйинган эритма таркибида қолади. Ўхшаш ҳолат 35,69 ва 44,98% P_2O_5 кислота концентрациялари учун ҳам кузатилди. Барча ўрганилган ЭФКнинг меъёрлари ва концентрациялари учун сульфат ионлари деярли $CaSO_4$ кўринишида тўлиқ парчаланмаган фосфат қолдиғига ўтади.

Шундай қилиб, кўш суперфосфатни циклик усулда олишда уч хил фосфат ташкил қилувчилари ажратиб олинди: тўлиқ парчаланмаган қолдиқ, нордон МКФ ва тўйинган эритма. Уларнинг таркиби 3-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ЮКК ва ОФУни парчалашда тўлиқ парчаланмаган қисмда P_2O_5 сумум. мос равишда 32,45 ва 32,04% ташкил этади. Бунда P_2O_5 нинг сувда эрувчан ва эркин шакли мос равишда – 30,32; 22,17% ва 31,97; 22,87% бўлади. Қолганлари – SO_3 ; CaO; MgO; Fe_2O_3 ва Al_2O_3 9,56; 10,91 ва 13,37; 12,54 ва 0,99; 1,79 ва 0,89; 0,75 ва 1,64; 1,49% тартибида бўлади. Асосий маҳсулот – нордон МКФ таркиби кўйидагича кўринишда


ЮКК ва ОФУни буглатилган 41,20% концентрацияли фосфор кислотаси билан парчалашда ҳосил бўлган фосфат ташкил қилувчиларининг таркиби

Фосфат ташкил қилувчиларининг номланиши	Кимёвий таркиб, %							
	P ₂ O ₅ ум.	P ₂ O ₅ суб.эр.	P ₂ O ₅ эркин	CaO	MgO	Fe ₂ O ₃	Al ₂ O ₃	SO ₃
ЮККни ЭФКнинг 350% стехиометрик меъёрида парчалаш								
Фосфат қолдиқ	32,45	30,32	22,17	13,37	0,99	0,89	1,64	9,56
нордон МКФ	45,40	44,20	24,72	6,26	1,13	0,83	1,46	0,15
Тўйинган эритма	42,46	-	-	2,02	0,98	0,68	1,87	0,008
ОФУни ЭФКнинг 450% стехиометрик меъёрида парчалаш								
Фосфат қолдиқ	32,04	31,97	22,87	12,54	1,79	0,75	1,49	10,91
нордон МКФ	44,79	43,83	25,71	5,15	1,02	0,86	1,55	0,064
Тўйинган эритма	42,04	-	-	1,93	0,71	0,82	1,95	0,097

бўлади: ЮКК учун – 45,40% P₂O₅; 6,26% CaO; 1,13% MgO; 0,83% Fe₂O₃; 1,46% Al₂O₃ ва 0,15% SO₃, ОФУ учун – 44,79% P₂O₅; 5,15% CaO; 1,02% MgO; 0,86% Fe₂O₃; 1,55% Al₂O₃ ва 0,097% SO₃. ОФУ ва ЮККдан олинган нордон МКФда мос равишда 24,72 ва 25,71% P₂O₅эркин қолади. Тўйинган эритма эса таркибида мос равишда 42,04-42,46% ва 1,93 -2,02% P₂O₅ ва CaO тутати.

МКФ ўз таркибида етарлича миқдорда Н₃РО₄ кўринишидаги эркин P₂O₅ тутгани учун ушбу нордон маҳсулот юқорикарбонатли ОФУ, ММ, шунингдек ЮККлар билан нейтралланди.

Ҳар хил турдаги фосфат хом ашёларининг эркин фосфор кислотаси билан ўзаро таъсирлашув натижалари манзараси ўхшашдир. Биринчи навбатда карбонатлар ёки ЮККдаги эркин кальций оксиди парчаланиши ҳамда бир вақтни ўзида кам миқдорда фосфат минерали парчаланишидан МКФ ҳосил бўлиши қуйидаги реакция мисолида кўриш мумкин:



Эркин Н₃РО₄ ни нейтраллаш учун фосфат хом ашёси меъёри стехиометрик 70-100% атрофида Ca(H₂PO₄)₂ ҳосил бўлишига олинди. Нордон МКФни нейтраллаш жараёни 75-80°Сда 30 мин давомида олиб борилди ва навбатдаги юмалаш усули ёрдамида донадорланди. Кейин ҳосил бўлган доналар 90-95°Сда қуритилди. Бунда тайёр маҳсулот рН 3,0 P₂O₅эркин 1,15-3,0% оралиғида бўлади. Нейтралловчи қўшимча сифатида ММ қўллаб олинган қўш суперфосфат таркиби 4-жадвалда келтирилган.

Кузатилдики, ОФУни ЭФКнинг юқори меъёр ва концентрацияларида парчалаш гарчи донадорланган маҳсулот таркибига таъсир кўрсатмасида, бироқ нейтралловчи қўшимча турига ва меъёрига боғлиқдир. N_{ЭФК} – 200% ва C_{ЭФК} – 35,69% P₂O₅ да ММ меъёрининг 70 дан 100% гача ошиши P₂O₅умум. 43,37 дан 46,69% гача, P₂O₅ўзл. 93,33 дан 96,47% гача ва P₂O₅суб.эр. 81,63 дан 89,44% гача ортишини таъминлайди. Ўхшаш қонуният ЭФК бошқа меъёр ва концентрацияларида ҳам кузатилди.

**Минераллашган масса ёрдамида монокальцийфосфатни нейтраллаш
асосида олинган кўш суперфосфат таркиби**

ММ нинг Са(Н ₂ РО ₄) ₂ , ҳосил бўлишидаги меъёри, %	Тайёр маҳсулот рН	Р ₂ О ₅ умум.	СаО _{умум.}	Р ₂ О ₅ ўзл. : Р ₂ О ₅ умум. %	Р ₂ О ₅ сув.эр. : Р ₂ О ₅ умум, %	СаОўзл. : СаО _{умум.} %	СаОсув.эр. : СаО _{умум.} %
ОФУдан олинган нордон МКФ асосида (N _{ЭФК} – 200% ва С _{ЭФК} – 35,69% Р ₂ О ₅)							
100	2,84	46,69	18,73	96,47	89,16	95,78	74,85
90	2,91	46,12	19,57	95,03	87,79	94,84	70,67
80	2,95	45,54	20,61	94,16	84,91	93,50	67,05
70	3,01	43,37	21,15	93,41	82,18	92,72	60,33
ОФУдан олинган нордон МКФ асосида (N _{ЭФК} – 400% ва С _{ЭФК} – 41,20% Р ₂ О ₅)							
100	2,90	46,60	16,22	96,82	89,44	95,81	74,91
90	2,92	46,18	17,10	95,21	87,79	94,91	70,70
80	2,96	45,71	18,23	94,36	85,08	93,53	67,53
70	3,05	44,17	19,16	93,28	82,29	92,74	61,48
ОФУдан олинган нордон МКФ асосида (N _{ЭФК} – 500% ва С _{ЭФК} – 41,20% Р ₂ О ₅)							
100	2,86	46,56	16,35	96,61	89,26	95,53	74,68
90	2,94	46,00	17,31	95,72	87,52	94,63	70,59
80	2,97	45,59	18,54	94,45	85,00	93,15	67,04
70	3,03	43,65	19,42	93,26	82,11	92,38	60,14
ОФУдан олинган нордон МКФ асосида (N _{ЭФК} – 400% ва С _{ЭФК} – 44,98% Р ₂ О ₅)							
100	2,92	46,59	16,69	96,37	89,20	95,45	74,66
90	2,96	45,96	17,55	95,50	87,51	94,53	70,48
80	2,98	45,51	18,71	94,40	84,90	93,00	66,97
70	3,07	43,74	19,63	93,19	82,01	92,26	60,11
ОФУдан олинган нордон МКФ асосида МКФ (N _{ЭФК} – 600% ва С _{ЭФК} – 44,98% Р ₂ О ₅)							
100	2,82	46,52	16,84	96,17	88,80	95,19	74,17
90	2,89	45,89	17,75	95,12	87,97	94,42	69,86
80	2,93	45,53	19,01	94,05	84,70	93,90	67,28
70	3,00	43,72	19,92	92,86	81,63	91,01	60,64

Тажриба шароитларига боғлиқ равишда кўш суперфосфат мустаҳкамлиги 2,11-4,86 МПа оралиғида бўлади. 4-жадвални таҳлил қилиб шуни хулоса қилиш мумкинки, ЭФК ўрганилган меъёр ва концентрацияларида (N_{ЭФК} – 200-600% ва С_{ЭФК} – 35,69-44,98% Р₂О₅) МКФнинг эркин фосфор кислотасини нейтраллаш учун кўшимчалар (ОФУ, ММ ва ЮКК)нинг мақбул меъёри стехиометрик 70-80% ҳисобланади.

ЮКК ни парчалашни мақбул шароитларда (N_{ЭФК} – 350% ва С_{ЭФК} – 41,20% Р₂О₅) нейтралловчи ЮКК қўллаш билан Р₂О₅умум. 47,74 дан 50,54% гача; Р₂О₅ўзл. : Р₂О₅умум. = 92,23-94,38%; Р₂О₅сув.эр. : Р₂О₅умум. = 88,19-89,97% тутувчи маҳсулот ҳосил бўлади. ОФУдан фойдаланилганда маҳсулот Р₂О₅умум. 45,59 дан 48,76% гача; Р₂О₅ўзл. : Р₂О₅ўзл. = 95,26-98,26%; Р₂О₅сув.эр. : Р₂О₅умум. = 86,07-92,76%, ММ дан фойдаланилганда эса Р₂О₅умум. 44,43 дан 47,09% гача; Р₂О₅ўзл. лим. к-та бўйича : Р₂О₅умум. = 94,24-97,86%; Р₂О₅ўзл. трил. Б ўйича : Р₂О₅умум. = 91,45-94,75%; Р₂О₅сув.эр. : Р₂О₅умум. = 83,46-90,83%

таркибга эга. Улар таркиб ва сифат жиҳатидан ГОСТ 16306-80 талаблари бўйича кўш суперфосфат «Б» навига жавоб беради.

Кўш суперфосфат навини ошириш, яъни ундаги умумий ва сувда эрувчан фосфор миқдорини кўпайтириш мақсадида нейтралловчи кўшимча сифатида кальцийтутувчи моддалар – табиий охактош ва сўндирилмаган оҳакдан фойдаланилди. Тадқиқот учун ЮККни $N_{ЭФК} - 350\%$; $C_{ЭФК} - 40,74\%$ P_2O_5 да $85^\circ C$ ҳароратда ва 60 минда парчалаб олинган ва таркиби (оғир.%): 44,22 $P_2O_{5умум.}$; 26,51 $P_2O_{5эркин.}$; 6,74 CaO; 28,94 H_2O бўлган нордон МКФ ишлатилди. Кальцийтутувчи реагентлар меъёри стехиоетрик 70 дан 100% гача ўзгартирилди. Яхшиланган маҳсулотлар таркиби 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Кальцийтутувчи моддалар ёрдамида нордон монокальцийфосфатни нейтраллаш асосида олинган кўш суперфосфат таркиби

Реагентларнинг $Ca(H_2PO_4)_2$, ҳосил қилиш меъёри,%	Тайёр маҳсу лот рН	Кимёвий таркиб, %						$\frac{P_2O_{5ўзл.}}{P_2O_{5умум.}}$,	$\frac{P_2O_{5св.эр.}}{P_2O_{5умум.}}$,
		$P_2O_{5ум.}$	$P_2O_{5ўзл.}$	$P_2O_{5св.}$	CaO _{умум.}	CaO _{ўзл.}	CaO _{св.}	%	%
Нордон МКФни табиий оҳак ($CaCO_3$) билан нейтраллаш асосида									
100	2,93	53,38	53,16	48,14	20,75	20,18	18,22	99,59	90,18
90	3,12	52,46	51,49	45,85	21,74	21,07	17,31	98,15	87,40
80	3,17	51,84	50,71	44,16	23,22	22,41	16,02	97,82	85,18
70	3,29	50,05	48,59	42,06	25,02	23,96	15,95	97,08	84,04
Нордон МКФни сўндирилмаган оҳак (CaO) билан нейтраллаш асосида									
100	3,09	54,28	53,62	50,39	21,07	20,72	18,77	98,78	92,83
90	3,16	53,85	52,79	49,35	22,29	21,74	19,20	98,03	91,64
80	3,32	53,14	51,90	47,78	23,80	22,96	19,68	97,67	89,91
70	3,60	52,76	51,02	46,30	25,84	24,69	19,42	96,71	87,76

Ундан кўриниб турибдики, табиий охактошдан фойдаланилганида олинган маҳсулот ўз таркибида $P_2O_{5умум.}$ 50,05 дан 53,38 % гача; $P_2O_{5ўзл.} : P_2O_{5умум.} = 97,08-99,59\%$; $P_2O_{5св.эр.} : P_2O_{5умум.} = 84,04-90,18\%$ тутади.

Сўндирилмаган оҳакдан фойдаланилганда $P_2O_{5умум.}$ 52,76 дан 54,28% гача; $P_2O_{5ўзл.} : P_2O_{5умум.} = 96,71-98,78\%$; $P_2O_{5св.эр.} : P_2O_{5умум.} = 87,76-92,83\%$ таркибли маҳсулот олинади. Таркиб бўйича бундай ўғитлар кўш суперфосфат «А» навига (ГОСТ 16306-80) ёки учламчи суперфосфатга тўғри келади ва улар экспортбоп маҳсулотлар саналади.

Таклиф этилаётган циклик технология бўйича фосфат хом ашёнинг эримайдиган қисми фосфоркислотали парчалашдан кейин ва МКФ кристалланишидан ҳосил бўлган тўйинган эритма билан бирга сульфат кислотали экстракцияга, фосфор кислотасини қайтариб, янги фосфат хом ашёси партиясини парчалаш учун технологик циклга, жўнатиш кўзланган. Маҳсулот МКФ ва фосфогипс билан сарфланадиган P_2O_5 ни компенсациялаш учун экстракциялаш жараёнига кўшимча равишда ЮККдан фойдаланилди. Мазкур усул буғлатиш жараёнисиз концентранган ЭФК олишга, яъни дастлабки парчалаш жараёнида бир марталик буғлатилган ЭФК қўлланилади,

кейинчалик эса тўлиқ парчаланмаган фосфат колдиғи, тўйинган эритма ва кўшимча ЮКК миқдори сульфат кислотали экстракцияга, буғлатиш жараёни босқичисиз, концентрланган фосфор кислотаси олишга йўналтирилади. Бундай схема такрорий буғлатиш жараёнини, 1 т P_2O_5 олиш учун 3,0-3,5 т сув буғи кўринишидаги иссиқлик сарфини, истисно қилади.

ЮКК, тўлиқ парчаланмаган фосфорит ва тўйинган эритмалардан ташкил топган аралашмадан ЭФК олиш жараёни 4 соат давомида сульфат кислота меъёри (100; 103; 106%), айланма ЭФК концентрацияси (36,5% P_2O_5), С : Қ оғирлик нисбати ва ҳарорат (75, 80, 85, 90°C) га боғлиқ равишда ўрганилди. Фосфоркислотали гипсли бўтқа фильтрацияси Бюхнер воронкасида Бунзен колбасидан 0,62 мм. сим.устунида бир қатламли фильтр қоғозининг «оқ» тасмасидан ўтказилиб ўрганилди. Фосфогипс сув билан ювилганидан кейин 100°Cда қуритилди. Кейин маҳсулот кислота ва фосфогипс компонентларга таҳлилга берилди. ЭФК намуналари таркиби 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал


С : Қ = 6 : 1 да олинган концентрланган ЭФК таркибига сульфат кислота меъёри ва ҳароратнинг таъсири

Жараён харорати, °С	ЭФКдаги компонентлар миқдори, %					
	P_2O_5	CaO	MgO	Fe_2O_3	Al_2O_3	SO_3
H_2SO_4 меъёри – 100%						
75	40,99	0,39	0,87	0,72	1,29	2,13
80	41,67	0,27	0,82	0,79	1,36	2,78
85	42,14	0,26	0,45	0,93	1,16	2,72
90	42,05	0,28	0,36	1,05	1,25	2,65
H_2SO_4 меъёри – 103%						
75	40,54	0,42	0,83	0,77	1,34	3,22
80	41,23	0,33	0,79	0,65	1,22	3,31
85	42,06	0,66	0,34	0,98	0,85	3,03
90	40,80	0,54	0,46	0,73	1,37	4,15
H_2SO_4 меъёри – 106%						
75	42,48	0,41	0,59	0,86	0,95	5,54
80	41,74	0,68	0,35	0,71	1,43	4,60
85	41,17	0,25	0,65	0,76	1,34	4,48
90	40,08	0,18	0,72	1,09	1,42	5,31

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилган параметрларда маҳсулот ЭФКдаги P_2O_5 40,08-42,48% оралиқларда ўзгариб туради. ЭФК олиш жараёнининг асосий кўрсаткичи бўлиб, хом ашёни парчаланиш коэффиценти ($K_{пар.}$), P_2O_5 ни ЭФКга ажралиб чиқиш коэффиценти ($K_{ажр.}$), фосфогипсни ювиш коэффиценти ($K_{ювиш.}$), чиқиш коэффиценти ($K_{чик.}$) ва гипстутувчи бўтқанинг филтрланиш тезлиги саналади. Кўрсатилдики, сульфат кислота меъёрининг 100 дан 106% гача ошиши $K_{пар.}$, $K_{ажр.}$, $K_{ювиш.}$, $K_{чик.}$ ва бўтқанинг филтрлаш тезлигининг ортишини таъминлайди. Масалан, 75°C да H_2SO_4 нинг 100 дан 106% гача ортиши билан $K_{пар.}$ 95,42 дан 97,92% гача, $K_{ажр.}$ 96,23 дан 99,48% гача, $K_{ювиш.}$ 94,45 дан 97,28% гача, $K_{чик.}$ 92,89 дан 96,48% гача, фосфогипснинг нам колдиқ бўйича филтрация тезлиги эса 311,62 дан 529,31 кг/м²·соат гача ошади.

H_2SO_4 нинг стехиометрик 100% меъёрида ҳароратнинг 75 дан 90°C гача ошиши $K_{пар.}$ 95,42 дан 97,23% гача, $K_{ажр.}$ 96,23 дан 97,55% гача, $K_{ювиш}$ 94,45 дан 96,75% гача, $K_{чик.}$ 92,89 дан 96,48% гача, фосфогипс фильтрация тезлиги эса 311,62 дан 420,53 кг/м²·соат гача бўлишини таъминлади. Ўхшаш манзара сульфат кислотанинг қолган меъёрларида ҳам кузатилади.

